

**Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълим  
Вазирлиги Навоий Давлат педагогика  
институту  
хорижий тиллар факультети инглиз тили  
бўлими**

# **Малакавий битирув иши**

**Мавзу : «Ўрта мактаб инглиз тили курсида  
«фонетика» ни ўрганиш масалалари»**

Бажарди : 4-курс «А» гуруҳ толиби Жўраев  
Зайниддин.

Илмий рахбар : ф. ф. н., доцент М.  
Сулаймонов.

**Навоий — 2002 йил**

## РЕЖА:

Кириш: 1 - БОБ: "Инглиз тили" фанининг узига хос хусусияти.

1- § Нутқ фаолияти турлари

2-§ Унли ва ундош харфларнинг талаффузи.

3-§ .Фонетик қийинчиликлар.

Асосий қисм: Урта мактаб учун фонетик минимум масалалари.

2-боб: Фонетик бирликлар

1-§ Талаффуз материалининг таснифи.

2-§ Талаффузни ўргатиш мазмуни.

3-§ Фонетика материали устида ишлаш :

а) Ургу.            б) Интонация.

Хулоса: «Фонетика» ни ўрганишдан мақсад ва унинг моҳияти.

**Кириш:**

**"Тилга ихтиёрсиз, Элга эътиборсиз"**

**"Тил билган – эл билар"**

"Тил — дил калити" каби хикматли сузларни халқимиз бежиз айтмаган. Қанчалик куп тил билсак, шунчалик фикрлашимиз, дунёқарашимиз ортиб боради.

Чунки хар битта тил урганилганда битта миллатни, халқни урганамиз ва уша тилни урганишда, албатта, талаффуз муҳим аҳамиятга эга. Агар талаффуз яхши булса, гапни тушуниш, тушунтириб бериш ҳам яхши бўлади.

### **Мавзунинг долзарблиги**

Инглиз тили фанида "фонетика"ни урганишда жуда катта эътибор бериш керак. Чунки "фонетика" даги унли, ундош, жарангли, жарангсиз товушлар, нутқ, сузларнинг талаффузи, монофтонг, дифтонглар, интонация (оханг), ургу ва бошқа жуда куп "фонетика" га оид сузлар, терминлар инглиз тилини урганишда асосий манба хисобланади.

Демак, уқувчи ёки талаба инглиз тили "фонетика" сини бошқа булимлар билан бирга пухта узлаштириб олса, келажакда чет эл давлатлари билан ҳамкорлик қилишда, таржимон булишда айнан мана шу инглиз тили "фонетика"си жуда ҳам яхши таянч була олади.

### **Ишнинг мақсади ва вазифалари**

Инглиз тилидаги "фонетика" булимини уқувчиларга яхши ургатиш, "фонетика" да сузларнинг талаффузидаги қийинчиликларни, муаммоларини бартараф қилиш.

## **Ишнинг методик ва назарий асослари**

Ишнинг методик ва назарий асослари сифатида машхур олимлар, катта уқитувчилар Хошимов У.Х., Ёқубов И.Я., Жамол Жалолов, Аракин В.Д., Соатов С., Алиев Г., Зарипова Р.А. адабиётларидан фойдаланилди.

## **Битирув ишининг асосий манбалари**

Ишнинг асосий манбалари сифатида Миролубов А.А., Алиев Г., Жамол Жалолов, Зимняя И. А., Рогова Г.В., Аълоев Й. Хошимов У.Х., Абдуазизов А.А., Гарнцева А.А., Л.Р. Зиндер, Г.П. Торсуев, М.Н.Матусевич адабиётлардан фойдаланилди.

## **Ишнинг илмий янгилиги**

Хозирги замон инглиз тили "фонетика" сида айрим сузларнинг фонетик тахлили. Хозирги замонда инглиз тили фонетикасидаги баъзи сузларнинг талаффузи.

## **Битирув ишининг таркиби**

Битирув иши кириш, 2 боб, асосий қисм, 6 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

## **Ишнинг асосий мазмуни**

Кириш қисмида битирув ишининг умумий тавсифи, долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ишнинг таркиби, асосий манбалари ҳақида маълумот берилади. Битирув ишининг 1-бобида инглиз тили фани, нутқ фаолияти турлари, унли ва ундош харфларнинг талаффузи, фонетик қийинчиликлар, асосий қисмда урта мактаб учун фонетик минимум масалалари, 2-бобда фонетик бирликлар, талаффуз материалининг таснифи, талаффузни ўргатиш мазмуни, фонетика материали устида ишлаш ҳақида, хулосада эса фонетикани ўрганишдан мақсад ва унинг мохияти ҳақида суз юритилади.

Жахон тажрибаси шундан далолат берадики, уз давлатчилигини қулга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш хеч қаерда енгил ва осонликча булмаган.

Мустақилликка эришган хар бир мамлакат уз тараққиёт йулини, янги жамият барпо этишда уз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар уртасида таркиб топган муносабат, уларнинг дунёқараши, жумъладан диний эътиқоди, рухияти ва хулқ-атвор нормалари шуни тақозо этади. Дунёда ижтимоий тараққиёт йулининг турли вариантлари мавжуд.

Туркия, Жанубий Корея, Швецария моделлари ва бошқалар бунга мисолдир. Бир қанча мусулмон давлатлари ва янги индустриал мамлакатларнинг тажрибаси шуни курсатади.

Узбекистон янгилаш ва ривожлантиришнинг уз йули, туртта асосий негизга асосланади:

- 1) Умуминсоний қадриятларга содиқлик
- 2) Халқимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш.
- 3) Ватанпарварлик.
- 4) Узаро алоқаларни мустахкамлаш ва ривожлантириш.

Маданий - маънавий сохадаги узаро алоқаларни мустахкамлаш хам иқтисодиёт сохасидаги узаро хамкорлиқ шартларидан бири хисобланади.

Мамлакатларнинг халқлари бир-бирларидан нечоғлик кўп хабардор бўлсалар, чет элларда Ўзбекистонни, республикада эса халқаро ҳаётни қанчалик яхшироқ билсалар, республика билан чет эл тадбиркорлари доираларининг вақиллари уртасидаги мулоқот қанчалик фаол бўлса, иқтисодий алоқалар ҳам шунча кенг ва самарали бўлади.

Чет мамлакатлари билан савдо, илмий -техникавий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонга хорижий самарали корхоналар барпо этиш, ёшларнинг жаҳондаги илмий марказларда кенг куламадаги таълимни ташкил қилиш -- мана шунинг ҳаммаси республикада иқтисодий алоқаларни жадаллаштиришнинг, жаҳон ҳужалик алоқаларига киришнинг, жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли муносиб мавқега эришишнинг жуда кучли омилларидир.

**Ислом Каримов.**

## 1-БОБ: "Инглиз тили" фанининг ўзига хос хусусияти

Ўрта мактабнинг вазифаси ўқувчиларга умумий маълумот бериш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат. Фанларнинг ҳар бири ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига ўзининг алоҳида хиссасини қўшади. Бу хиссани тўғри аниқлаш ўқитишнинг самарадор тизимини тузиш учун ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятини тўғри белгилаш керак. Ҳозирги вақтда инглиз тили мамлакатимизда жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон республикаси ҳудудида инглиз тилини ўрганиш, бу албатта мактабдан бошланади. Мактаб даврида инглиз тилини яхши ўзлаштирган ўқувчи кейинчалик қийналмай ўз мақсадига эришади.

Тил - алоқа воситаси. Инглиз тилини ўрганишдан олдин, албатта, ўқувчи ўзининг она тилини жуда яхши ўрганиб олиши лозим. Демак, ўз тилида шаклланган тушунчаларни ўқувчи энди ўрганилаётган ўзга тил сўзлари билан фикран боғлайди. Инглиз тили дарси бошқа фанлардан икки тарафи, яъни дарс мақсади ва мазмуни билан фарқ қилади. Ушбу фанда нутқ ўрганилади. Инглиз тилида ўқувчи тайёрлов ва нутқ машқларини бажариш билан банд бўлади. Инглиз тили дарсининг асосий хусусияти унинг амалий, яъни нутқий йўналганлигидир. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни амалда эгаллайди. Инглиз тили дарсининг бошқа баъзи хусусиятлари ҳам борки, бу хусусиятлар унинг икки асосий хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан : химия, физика, география ва бошқа дарсларда кургазмали қуроллардан фойдаланиш воқеликдаги предмет ва ходиса ҳақидаги билимнинг манбаидир. Инглиз тили дарсларидаги кўргазмали қуроллар бошқа муҳим аҳамиятга эга : улар кўникма ва малакаларнинг таркиб топишга кўмақлашади. Кўргазмали қуроллар фақат инглиз тили сўзларининг маъносини очиб беришга эмас, балки, асосан, оғзаки нутқ ва хоказо машқларда вазият юзага келтириш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ҳам дарсга фаол қатнашишлари дарснинг қизиқарли ва мазмунли булишига олиб келади.

Жахон тиллари орасида инглиз тили ўзига хос мавқега эга. Ушбу халқаро тил дунё миқёсида мулоқот воситасига айланган.

Хозир ер юзининг барча минтақаларида инглизча нутқ янграмоқда. У ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва кўплаб бошқа юртларда давлат тили мақомини олган. Ватанимизда инглиз тилига бўлган талаб жуда катта.

Маълумки, тил кишиларнинг бир-бирларини яқиндан билишлари, хурмат-эъозлашлари, дўстлашишларида тенги йўқ омилдир. Инглиз тилини яхши ўрганиб олган ўқувчилар қуйидаги имкониятга эга булишади:

- 1) замонавий компьютерлар билан ишлаш.
- 2) таржимонлик.
- 3) халқаро муносабатда ҳамкорлик қилиш.
- 4) чет элда ўқиш ва бошқалар.

Демак, бу ишларни амалга ошириш учун ўқувчи инглиз тилини ўзлаштириб олиши керак ва бу натижаларларнинг хаммасини келтириб чиқариш учун ўқувчини мактаб давридан бошлаб инглиз тилига қизиқтириш керак.

Ўрта умумий таълим мактабларида инглиз тили мажбурий ўқитиладиган фанлар қаторидан ўрин олади. Мактабда инглиз тили курси барча фанлардан мохияти, хусусияти билан фарқ қилади. Умуман олганда, инглиз тил тушунчасини қуйидагича изохлаш мумкин: чет тил ўрганиш ушбу тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув, кўникма ва малакаларини эгаллашни ифодалайди. Мактабда инглиз тили тўрт мақсадда ўқитилади:

- а) амалий мақсад;

- б) таълимий мақсад;
- в) тарбиявий мақсад;
- г) ривожлантирувчи мақсад.

Таълим мақсадлари ижтимоий буюртма-топшириқ бўлиб, хар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш ва тарбиялашга қаратилган.

а) Амалий мақсад: ушбу тил ёрдамида керакли ахборот олиш ва бошқаларга етказиш. Олинган ахборот ўқувчилар билим савиясини ошириш ва уни тарбиялашга хизмат қилади.

б) Таълимий мақсад: инглиз тилини ўрганишда ўқувчи тафаккурини баҳоли қудрат ривожлантиришга ва хотирасини яхшилашга ҳамда уларнинг билим савияси ва умумий маданиятини кўтариш. Қоидалар, тил бирликлари ва матнлар мазмунини билиш чет тилда умумтаълим олиш хисобланади.

в) Тарбиявий мақсад: таълим ва тарбия хамжихатлиги қадим замонлардан кишиларга маълум. Таълим ўчоқлари, сўзсиз, тарбия хам эътиборни қаратади, тарбиялаш тушунчасини таълимсиз тасаввур этиб бўлмайти. Инглизча ягона **education** сўзининг маъноси таълим ва тарбияни ўз ичига олиши рамзий мисолдир. Инглиз тилини ўқитишдан тарбиявий мақсад ўқувчиларга гоъвий сиёсий тарбия бериш, уларда ақлий меҳнат, кўникма ва малакаларни хосил қилиш, шунингдек, ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш.

г) Ривожлантирувчи мақсад: ривожлантирувчи мақсад тушунчаси ўқувчининг ақлий, хиссий ва мотивацион (ички туртки) тарафини ривожлантиришни ифодалайди. Хозирги мактаб тажрибасига компьютерларнинг кириб келиши ўз-ўзини назорат қилишда баракали самаралар бера бошлади. Буларнинг хаммаси ўқув жараёнида ташкилий кўникма ва малака қилишга мўлжалланган тадбирлардир. Ўрта умумий таълим

мактабларида инглиз тили курси қуйидаги имкониятларни яратади:

а) келажакда касбий фаолиятларига пухта назарий замин тайёрлайди.

б) таълимнинг замонавий усуллари, ташкилий формалари воситалари билан атрофлича таништиради.

в) ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда самарали қўллаш олишлари учун кўникма ва малакалар хосил қилади.

Мактабда инглиз тили курси бошқа фанлардан фарқ қилади. Инглиз тилини ўқитиш, ўрганиш атамаси, инглиз тилида нутқни ўрганиш маъносини билдиради.

### **1-БОБ: 1- § Нутқ фаолияти турлари**

Инглиз тилида нутқ, талаффуз, тинглаб тушунишни фонетика булимида ўрганилади. **Фонетика** сўзи юнонча сўз бўлиб, талаффуз, талаффузга оид деган маънони билдиради. Тил эса тафаккурни ривожлантирувчи, авлоддан авлодга ўтадиган маданий-тарихий меросни етказиш воситаси ҳамдир. Тил бўлмаса нутқий алоқа бўлмайди, мулоқот бўлмаса жамият ҳам, бинобарин, одам ҳам бўлмаслиги аниқ. **Нутқ** – тилнинг бевосита воқелигидир. Тил ижтимоий, нутқ эса хусусий ходисадир.

Тил, содда қилиб айтганда, бирликлар ва уларнинг алоқаси системасидир, нутқ эса оғзаки ва ёзма матндир. Тилни фақат нутқ орқали ўрганиш мумкин. Инсон ўз хаётида узлуксиз пайдо бўлиб турадиган турли қийинчиликларни енгиш билан машгул бўлади, инсоннинг камолотга етишида қийинчиликларга сабр-тоқат билан, ақл ишлатиб бардош бериши ва уларни енгиб ўтиши хал қилувчи ахамиятга молик.

Инглиз тилидаги қийинчиликларни енгиб, нутқ фаолияти турларини эгаллаш мактаб ўқувчилари тажрибасида учрайдиган табиий ходисадир. Инглиз тилида нутқ фаолияти турларини

эгаллаш кўрсаткичлари гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни назарда тутати. Масалан: «Мақтаб ўқувчиси нутқ мавзулари доирасида ўзлаштирилган тил материали асосида инглиз тилидаги нутқни тинглаб тушунишни ўрганиш керак ». Кўриниб турибдики, тинглаб тушунишни эгаллаш кўрсаткичи умуман олинган.

Агар 5-синф ўқувчиси дастур материалида сўзланган муаллим ёки диктор нутқини ҳамда дарсни олиб бориш билан боғлиқ ўқитувчи кўрсатма-буйруқларини тушуна олишлари керак дейилса оралиқ

( яъни, хар бир синф учун алохида курсаткич, 5-синф учун) кўрсаткичга дуч келинади. Ўқувчи нутқининг инглиз тилдаги нутққа тахминий яқинлашиши унинг хато қилиб қўйишидан хавфсираши, тўғри айта олиш - олмаслигидан хавотирланиши каби психологик тўсиқларни енгиш учун катта йул очади, эркин гапириш ва бамайлихотир мулоқотга кириш имкониятини яратади.

Ўқитувчи дарсга кириб, биринчи қиладиган иши синфда нутқ мухитини яратишдир.

Нутқнинг ўзига хос хусусияти — бу нутқ машқлари: баён, хикоя, тасвир, иншо, хат ёзиш. Аввал тингланган ва ўқилган мазмунан боғланма жумлалар гурухини ёддан ёзиш ёзма нутқ машқларини бажаришида дастлабки қадам хисобланади.

Кейинги пайтларда «огзаки нутқ» билан «сўзлашув тили» терминлари айнан бир деб қарашлар ҳам учраб қолмоқда. Менинг фикрим, огзаки нутқ деганда, огзаки шаклда нормал ўтаётган алоқани тушуниш керак, бироқ бу алоқада қатнашаётган кишиларнинг тил воситасини танлаб олишлари услуб жихатдан чекланмаган бўлади. Огзаки нутқ фикрларни тушуниш ва ифодалаш жараёнларининг нормал (ўзаро муносабат ва тезлик маъносида) ўтишини назарда тутати, шу

сабабли у мактабни битирувчиларни алоқанинг огзаки шаклини амалий билишга ўргатади.

Умумий таълим мактабларида ўқитишдан сўзлашув нутқининг малакаларини ўстириш мақсади кўзланиши мумкин эмас, чунки бу мақсад ўқитишнинг аниқ шарт-шароитларини назарда тутмайди, яъни чет тилининг услубларини махсус ўрганилишини талаб этади, бу эса мавжуд соатлар жараёнида амалга ошмайди.

Огзаки нутқ талабларини огзаки ишлаш билан чеклашга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, чунки бундай чеклаш тилни амалий билишнинг мақсадларига зид келиши мумкин. Огзаки шаклдаги тил муомаласи, маълумки, фаолиятнинг икки хили : гапириш ва тинглаб тушунишни эгаллашни назарда тутаяди. Лекин буларга яна қўшимча ёзув ва ўқишдир.

Гапириш огзаки нутқ фаолиятининг тури бўлиб, огзаки фикрни баён этиш демакдир. Соддароқ қилиб айтганда, «гапириш»

- 1) фикрни баён этиш жараёни
- 2) айтиш
- 3) огзаки мулоқот
- 4) фикр изхори натижаси

ни киритиш мумкин. Гапириш орқали фикр айтилади, ушбу фикр баён этиш нияти (ички турткиси) гапиришга сабаб бўлади. Савол берилганда қисқа жавоб ҳам, бутун бир монолог ҳам «фикр баёни» хисобланади. Гапириш учун, аввало, муайян шарт-шароит яратилади:

- 1) Гапиришга ундай олиш мақсадида муаллимнинг мавзуси.
- 2) Ўқувчининг нимани гапиришга оид ҳаётий билимга эга бўлиши.

3) Фикрлаш ва фахмлашга оид нутқ объектига ўқувчи муносабатини шакллантириш.

4) Фикрни айтишдан кўзланадиган мақсадни аниқлаш

5) Фикр ва хис-туйгуларни ифодалаш воситасининг шаклланганлиги. (нутқ юритишда мавжуд малака ва кўникма иш беради.). Ушбу шартларнинг айримлари етарли, бошқалари қониқарсиз бўлиши натижасида гапиришга қийинчиликларга дуч келинади. Нутқнинг содир бўлиши ўта мураккаб ақлий жараён хисобланади. Шунинг учун ҳам нутқ соҳасида турли фанлар (тилшунослик, рухшунослик ва бошқалар) да тадқиқодлар олиб борилади.

Барча нутқ фаолияти турларида бўлганидек, гапиришнинг ҳам ўзига хос механизмлари бор. Гапириш амалга ошиши учун ўқувчиларда қатор психофизиологик механизмлар шаклланган бўлиши керак. Булар қуйидагилар:

- 1) Репродукция.
- 2) Танлов.
- 3) Бирлаштириш.
- 4) Тузиш.
- 5) Олдиндан сезиш.
- 6) Дискурсивлик

Репродукция механизми – ( лотинча, ге қайтадан, янгидан productio яратиш, етиштириш, фикрни огзаки ёки ёзма баён этиш, ахборот бериш.) Репродукция уч хил қуринишга эга:

а) жумла ва мазмунни ўзгаришсиз репродукция ( қайта қўллаш ) одати мавжуд (тўлиқ репродукция-ўрганилганни ўзгартирмай айтиш.

б) матндан ўзгаришсиз олинган жумлалар ёрдамида мазмунни айтиш.

в) мазмунни янги жумлаларда ифодалаш.

1) Танлов механизми: сўзларни хотирада сақлаган холда танлаб айтиш.

2) Бирлаштириш механизми: гапирувчи сўзлар ва гапларни бириктириш жараёнида олдинги тил тажрибасида учратмаган янги бирикмаларни шакллантиради. Бунда жумладан йирикроқ нутқ бирликлари, мавзу ва уларнинг бир нечтасининг йигиндиси бўлиши ҳам мумкин.

3) Тузиш механизми: Гапиришни малака мақомида эгаллаган ўқувчи фикр баён этишда қоидага суюнмай нутқий фаолият юритади. Кенг миқёсда ёки қисқартирилган мавхумотдан фойдаланиш малаканинг ривожланиш даражаси билан ўлчанади. Тилни хис этиш заминида, шаклланган мавхум қолипга ўхшатиш йўли билан нутқий матнни тузиш операциялари бажарилади.

4) Олдиндан сезиш механизми: равон гапириш учун нутқ оқимида нимани айтишни олдиндан сезиб бориш, уни давом эттиришга тайёр туриш зарурияти тугилади. Олдиндан сезиш механизми икки маънода – тил материални ишлатиш ва мазмунни башорат қилишда намоён бўлади. Айрим жумлалар орасида узоқ тўхтаб қолишни (паузани) бартараф этишда ушбу механизмнинг амал қилиши ёрдам беради.

5) Дискурсивлик механизм (лотинча-нутқда лисоний бўлимни ишлатиш, мулохаза юритиш, тил ходисаси ҳақида мулохаза юритиш.) Агар олдиндан фахмлаб бориш йўли билан нутқни тайёрлашга эришилса, дискурсивлик ёрдамида гапиришнинг узлуксиз бориши жараёни бошқарилади, гапирувчининг нутқий тактикаси ва стратегияси амалга ошади. Фикрни оғзаки икки шаклда, яъни боғланма (монолог) нутқ ва суҳбат тарзидаги (диалог) нутқда ифодалаш мумкин. Инглиз тилида маналог ва

диалогни ўргатиш ўқув дастурининг асосий талабларидандир. Буни бошқача қилиб, «якка нутқ» ва «жуфт нутқ» дейиш мумкин. Ўқувчининг харакати лексика, грамматика ва талаффузини эгаллашга йўналтирилади.

### **ЯККАНУТҚ.**

Якка нутқда мураккаб синтактик ва лексик шакллар ишлатилади. Уларни кўпинча ёзма нутқ материалига яқин туради. Жуфт нутқда қисқартирилган бирликлар тилнинг барча ходисаларга тааллуқли бўлади. Бу – нутқнинг эркинлигидан далолат беради. Жуфт нутқнинг асосини турли репликлар ташкил этади. (Реплика- французча , гер- lique,-лунда фикр, жуфт нутқ иштироқчилари қўллайдиган гапиришга ундовчи ва жавоб жумлалари.) Репликалар бирикувидан диологик бирлик хосил қилинади.

Улардан савол-жавоб, савол-савол, хабар-савол сингарилар жуфт нутқда кенг тарқалган, монологик, яъни якка нутқни қуйидагича изохлаш мумкин: Бизнинг мамлакатимизда химоя қилиб бериш хам монологик оғзаки нутқни ўстиришда хар доим олдинги ўринда турган.

И. А. Грузинская тавсия этган бир-бирига боғлиқ фикрларни ўстиришга оид олиб бориладиган барча ишларда хикоя қилиб беришдан фойдаланади. Грузинская ўқувчиларнинг мустақил ахборот беришларига катта ахамият беради, у монологик нутқни IX ва X синфларда ўқувчи 5-7 минут давом этадиган мавзуда «қисқа ва содда ахборот» бериб бўлгунча эгаллаб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтади. Лекин бу мақсадга хам матнни гапириб бериш орқали эришилади.

Дастлаб ўқувчилар «дарсликдаги хеч бир матнга ташқаридан боғлиқ бўлмаган» ахборот беришади, кейинчалик бу маълумотлар уйда ёзма равишда тайёрланиши ва ўқитувчи текшириб чиққач синфда оғзаки айтилиши керак . Шундай қилиб, муаллифнинг фикрича дарслик матнлари тўғридан – тўғри ёки

қайта ишланган холда ўқувчиларнинг оғзаки нутқи учун асос хизматини ўташи, инглиз тилида бир-бирга боғлиқ фикр юритиш малакасини ўстиришнинг ҳар бир босқичида бошланғич нутқ хизматини ўташи зарур.

Фикрни баён этишда алоҳида сўздан тортиб, то матнгача бўлган нутқий материалдан фойдаланилади. Муаллим олдида турадиган энг муҳим ишлардан бири, мактабда кўп учрайдиган ходиса-ўқувчиларнинг мазмунсиз жумлалар йигиндисини баҳога «алмаштирилиш» ни бартараф этишдир. Жуфт нутқ ситуатив (лотинча, ситуация, нутқий вазиятга оид) ҳисобланса, яқка нутқ мавзу юзасидан гапириш демақдир. Тил тажрибасини ишга солганда, ўқувчи унинг нутқий, лисоний ва лингвистик тарафларидан, зарурларини қўллашга интилади. Демак фикр изҳор қилиш учун тил бирликлари ва уларни нутқ амалига киритиш мавҳумотлари сафарбар қилинади.

1-босқичда шакллантирувчи машқлар бажарилади, 2-босқичда ривожлантирувчи машқлар қўл келади. Яқка нутқ юритишнинг навбатдаги босқичида мавжуд ахборотлар яхлитлик (интеграция) ҳолатига келтирилади. Гапириш чоғида кўпроқ мустақиллик пайдо бўлади, ўқувчи тинглаган нутқдан бой фактларни жалб этади. Бу янги малакага эришиш палласидир.

### **ЖУФТ НУТҚ .**

Ўрта умумий таълим мактабида жуфт нутқнинг қуйидаги турлари ўрганилади:

- 1) Ахборот алмашиш мақсадида.
- 2) Режа жуфт нутқ (бирга фолият кўрсатишни мўлжаллайдиган жуфт нутқ).
- 3) Мунозара жуфт нутқ ( фикр баён этиш бўйича жуфт нутқ ).

Уларнинг ҳар қайсиси хусусий тил материални тақозо этади ҳамда турли таълим босқичларига тегишли бўлиши мумкин.

1) Ахборот алмашиш жуфт нутқда суҳбатдошлар ашёвий хабарларини бир-бирларига етказадилар. Ўзаро ёки бир томонлама хабардор қилишга қаратилган бўлиб, бу жуфт нутқ таълимнинг ибтидоий босқичида қўлланади, чунки ундан оддийроқ ёки миқдоран кам тил материали асосида ҳам фойдаланиш мумкин.

2) Режа жуфт нутқ эса шаклан мураккаб ва мазмунан чуқурроқ бўлгани сабабли, унда феълнинг келаси замонини билиш, суҳбатдош фикрини рад эта олиш ва ўзининг фикрини химоя қилиш кабилар зарур бўлади. У таълимнинг ўрта босқичига тўғри келади.

3) Мунозара жуфт нутқни бажаришда сабаб оқибат муносабатлари туфайли эргашган қўшма гапни ўзлаштириш ва модалликнинг турли воситаларини қўллай олиш талаб этилади. Фикрни далиллаш, суҳбатдошни ишонтира олиш, танқидий ёндашиш, хатони исботлаш кабилар жуфт нутқни бажариш вақтида зарур бўлади. Сўзловчи диққати нутқ мазмунига тортилади.

Нутқ малакалари такомиллашган даражага етказилади. Мунозара жуфт нутқ юқори синфларда машқ қилинади. Жуфт нутқ одатда хабар, савол, гапиришга ундашни ифодаловчи луқмалардан бошланади. Жуфт нутқни икки хил йул билан ўрганилади: дедуктивлик (умумийдан хусусийга йўналган) ва индуктивлик (хусусийдан умумийга). Дедукцияда жуфт нутқнинг яхлит намунасига суяниб иш қурилади. Намуна жуфт нутқ бирликлари мажмуи сифатида аввало тинглаб тушунишга берилади, сўнгра у ёд олинади.

Индуктив усулда жуфт нутқни кичик бирликларидан бошлаб мустақил фикр юритиш машқ қилинади. Бунда ҳам қолип-намунадан фойдаланиш тақиқланмайди, лекин ёдлаш учун эмас, унга тақлид қилиш мақсад қилиб қўйилади. Мазкур жуфт нутқ малакалари ўқувчиларда ривожлантирилса, улар фикр алмашишга қодир бўладилар.

## 1-БОБ: 2-§ Унли ва ундош харфларнинг талаффузи.

"Фонетика" булимидаги унли ва ундош харфларнинг талаффузларини урганиш ўрта мактабда инглиз тили ўрганишнинг асосий амалий мақсадларидан биридир. Ўрта мактабни битирувчилар инглиз тилида огзаки ахборот бера олишлари ва сухбатлаша олишлари, нутқни тинглаб тушунишлари керак.

Инглиз тилида 26 та харфдан иборат булиб, шулардан олтитаси унли харф (а, о, и, е, і, у) ва қолган барча ундош харфлардир. Олтита унли харфлар 20 та унли товушни беради, булар қуйидагилар:

- 1) і : – ( чўзиқ и )
- 2) і – ( и )
- 3) е – ( э )
- 4) æ – ( чўзиқ э )
- 5) α - ( чўзиқ а )
- 6) ɔ - ( о )
- 7) ɔ : - ( чўзиқ о )
- 8) u – ( у )
- 9) u : – ( чўзиқ у )
- 10) ʌ – ( қисқа а )
- 11) ə – ( э, ў )
- 12) э : – ( чўзиқ э )

Дифтонглар ( яъни икки товушни беради ).

- 13) eі – (эй)

14) ou – (ау)

15) au – (о)

16) ai – (ай)

17) Oi - (ой)

18) iэ – (ийе)

19) ээ – (эя)

20) uэ – (юйе)

Ундош товушлар:

p, b, m, w, f, v, ð, θ, t, d, n, r, s, z, k, g, h, j, l, ŋ, [ , t] , d z.

Инглиз тилида унли харфлар кетма кет келиши мумкин.  
Масалан:

ee - [i:] week, tree, three,

ey - they, grey, oa - [ou] coat, boat, ie -[i:] field, piece,

Инглиз тилида унли харфдан кейин ундош харф ҳам келади ёки ундошдан кейин унли келади ва жуда куп сузларнинг ёзилиши билан талаффузи фарқ қилади, айрим харфларни тушириб талаффуз қилинади. Масалан: law, saw, draw сузларида "w" харфи тушириб қолдирилади, "a" харфи "o" деб талаффуз қилинади. Бундан ташқари инглиз тилида икки хил талаффуз қилинадиган ундошлар, қоидага қарши қоидалар, турли хил талаффузга эга унли ва ундош фонемалар (яъни товушлар) бор.

Ўрта мактаб инглиз тили курсида хозирги замон амалиётида унли ва ундош товушларни урганиш муносиб ўрин эгаллайди. Чунки инглиз тилини урганишни бошлаш учун товушларни нутққа айлантириш керак. Нутқнинг мазмуни эса, одатда, ўқитувчи томонидан ёрдамчи савол, расм, кейин ўқувчининг ўзи гапириб бериши керак бўлган гап, матн ёки бошқа бирор усул орқали ифода қилиниши мумкин.

Талаффуздаги нутқ маълум шароитларда юз беради ва бу шароитлар нутқ хусусиятига таъсир этади. Бу шароитлар тилдан ташқари тартибдадир. Уларга нутқ фаолияти содир бўладиган вазият, мухит, сўзловчининг ёши ва ўсиш даражаси, суҳбат мавзуси, тингловчининг нутқни идроқ этишга бериши, мимика, имо-ишоралари ва бошқалар киради. Бу олмошларнинг барчаси аввало диалогик нутқда, маълум даражада монологик нутқда ҳам фаол роль ўйнайди. Талаффуз эса кўпроқ оғзаки нутқда, суҳбатларда уз мавқеига эга.

### **1-БОБ. 3-§ Фонетик қийинчиликлар.**

Инглиз тилини урганаётган ўқувчилар "фонетик" қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликларнинг сабаби турлича булиши мумкин. Қийинчиликлар асосан сузларни, суз бирикмаларни, гапларни ўқишда, талаффуз қилганда содир бўлади. Инглиз тилида хар бир сузнинг ўқилишига, талаффузига, маъносига эътибор бериш керак. Ана шу эътиборсизлик ўқувчиларнинг биринчи хатолари бўлади ва шунинг оқибатида сузларни талаффуз қилишда қийналадилар.

Инглиз тилида баъзи сузлар хар хил ёзилади, лекин талаффузи бир хил бўлади, маъноси эса хар хил бўлади ёки бунинг акси. Масалан: week-weak, right-write. Ушбу сузлар талаффузи бир хил, лекин маъноси хар хил. Бу сузларни қандай фарқлаш мумкин деган савол булиши мумкин. Бунинг учун фонетика булимини яхшилаб урганиш керак. Шу билан бирга сузларнинг маъносини, қайси замонда келганлиги, қайси сузлар билан келганлигини аниқ билиш керак. Инглиз тилида суз бошида келган айрим ундош харфлар тушириб талаффуз қилинади ва юқорида келтирилган write-right сузлари ана шу тарифга мисол бўлади. Ушбу сузни таҳлил қилганимизда, куйидагича хулоса чиқарса бўлади: write-сузидаги w харфи

туширилиб талаффуз қилинади, таржимаси эса ёзмоқ, right-сузининг маъноси эса нотўғри, унги томон. Демак, бундан шундай хулоса чиқарса бўлади: ўқувчининг луғат бойлиги яхши булиши керак, матнларни ўқиганда айрим сузларнинг талаффузи бир хил булса ҳам уларни бошқа сузларнинг иштироқи ёрдамида сузнинг маъносини тушуниш мумкин.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари матнларни мустақил ўқиш орқали ривожлантирилади. Ўқишнинг биринчи йилида ўқувчиларнинг лексик-грамматик бойлиги ошади, сўз яшаш унсурларини кўпроқ ўрганадилар. Ўқишнинг хусусияти шундаки, ўқишни ўрганишда тил материалини ўзлаштиришни тامينлайдиган ўргатиш усули сифатида эмас, балки энг аввало ахборот манбаи сифатида қаралади ва шу орқали сузларнинг талаффузини яхши ўрганиб оладилар. Вазифа ўқишни соф таълим бериш мақсадларидан халос қилиб, ўқишга «тушуниб» ўқиш хусусиятини беришдан иборатдир. «Тушуниб ўқиш» деганда ўқувчи эътибори иазмунига, тил ва техника томонига эмас, балки унинг мазмунига жалб этилиши тушунилади. Бунда ўқилган матн бевосита тушунилади.

Ўз-ўзидан маълумки, ўрта мактаб шароитида инглиз тилида матнни ўқишда бундай даражага эришишнинг имконияти йўқдир, чунки бундай холда барча тил материалининг ўқувчига таниш бўлишига тўла ишониб бўлмайди.

Шу боисдан айтилганларга қўшимча қилиб, нотаниш сўзлар, сўз бирикмалари, грамматик шакллар ва бошқаларнинг маъноларини контекст, луғат ёрдамида ёки бошқа йўл билан аниқлашдаги қийинчиликларни бартараф этиш малакасини ҳам инглиз тилида тушуниб ўқиш хусусияти дейиш мумкин. Матнда бартараф қила олса бўладиган қийинчиликларнинг мавжудлиги тажрибали ўқувчининг ўқиш жараёнида тўсқинлик қилмайди, жуда бўлмаганида, у бу қийинчиликларни четлаб ўтади.

Ўқувчиларни тилдаги қийинчиликларни четлаб ўтишга, баъзан хатто уларни «пайқамаслик» ка ўргатиш керак.

Шундагина ўқувчилар анча тушуниб ўқийдиган бўла бошлайдилар, уларда етарли тажриба тўпланади, ўқишга қизиқиш одати пайдо бўлади. Демак ўқишга қизиқиш пайдо булса, сузларни талаффуз қилишга ҳам қизиқиш пайдо бўлади ва бу қизиқиш мактабни тамомлагандан кейин ҳам сақланиб қолади.

Инглиз тилида фонетик қийинчиликларни бартараф қилиш учун суз, суз бирикмалари, унли ва ундошларнинг кетма-кет келганда уларнинг уқилиши, талаффузини, сузларнинг транскрипцияларини яхши урганиб олиш керак. Энди инглиз тилидаги айрим сузларнинг уқилишини, талаффузини ва транскрипциясини куриб утамыз:

[ei]	[i:]	[ai]	[ou]	[ju:] , [u:]
<u>t</u> ake	h <u>e</u>	l <u>i</u> ke	n <u>o</u> se	d <u>u</u> ty
c <u>a</u> ke	sh <u>e</u>	f <u>i</u> ve	g <u>o</u>	st <u>u</u> dent
m <u>a</u> ke	th <u>e</u> se	f <u>i</u> ne	h <u>o</u> me	p <u>u</u> pil
l <u>a</u> te	pe <u>o</u> ple	wr <u>i</u> te	th <u>o</u> se	<u>u</u> nion
f <u>a</u> vourite	<u>e</u> vening	dis <u>c</u> ribe		f <u>r</u> uit, bl <u>u</u> e.

[a:]	[ʌ]	[e]
garden	bus	pencil
yard	must	desk
park	summer	dress

Y y - [ai] my, buy, fly. [j] yard, year, you, yesterday.

ay, ai, [ei] day, may, play, rain, say.

[ɛə] - air, hair, pair.

wa [wo] - want, wash, was, wall.

all [o:l] - small, ball, hall.      au [o:] - August, autumn, because.

as+ундош [a:] - last, past, ask.    ee [i:] - see, three, green, week, street.

ea [i:] - teacher, please, speak, season, eat, read,

i(gh) [ai] - light, night.    oo [u:] - school, room, good, cool, foot.

ow, ou [au] - flower, around, trousers, our.

ow [ou] - know, show, snow, лекин [au] how, now.

(t)ch [tʃ] - match, teacher, children, March, watch.

th [θ] three, birthday, fourth, fifth, month

### **Асосий қисм : "Урта мактаб учун фонетик минимум масалалари "**

Урта мактабда фонетик минимумни танлаш масаласини хал қилишда шу ҳолатни ҳисобга олиш керакки, барча тил минимумлари бир-бири билан яқин боғланган ҳолда танлаб олинади. Масалан, грамматик минимум лексик минимум сузларининг грамматик формаларини эгаллаб олишни тақозо этади. Фонетика минимуми лексик -- грамматик минимум асосида тузилган лексик минимум сузларни талаффуз этишни ва жумлани интонация билан айтишни эгаллаш учун етарли булиши керак. Тил минимумлари бир хил структурага эга: улар актив ва пассив қисмларга ажраладилар. Бироқ бу қисмларнинг характери ва муносабати фонетик минимумда лексик ва грамматик минимумдагига қараганда бошқачароқдир. Лексик ва грамматик минимумларда актив ва пассив қисмларнунг фаолиятининг ҳар хил турларига: оғзаки нутққа ва матнни ўқишга хизмат қилади.

Фонетик мнимумда пассив ва актив қисмлар узаро анча узвий боғланган, чунки улар нутқ фаолиятининг бир турига -- гапириш

(талаффуз куникмалари) жихатдан ҳам, узга нутқни тушуниш (эшитиш куникмалари) жихатдан ҳам оғзаки нутққа тааллуқлидир. Бу икки жабха узаро алоқада булганлиги учун айнаи бир вақтда ҳам актив ҳам пассив минимумни эгаллаб олиши керак, шундай қилинмаса, коммуникация бузилади. Ўқитувчининг бошланғич босқичда ўқитишга қарата айтилган нутқи инглиз тили талаффузининг деярли асосий хусусиятларини уз ичига олган булиши керак. Бундан ташқари вақти келганда, ўқувчиларнинг ажнабий кишиларнинг узларига қарата айтган жонли нутқини тушунишга эришиши керак.

Шунинг учун агар луғат ва грамматикага нисбатан қайта эслашга мулжалланган ва хажми жихатдан унча катта булмаган актив минимумни эгаллашдан тортиб, то укиганни тушуниш учун зарур булган, катта хажми пассив минимумни эгаллашгача аниқ изчиллик урнатилиши мумкин булса, талаффуз қилишни ургатишда бундай изчилликни белгилаш мумкин эмас. Аммо бундай актив ва пассив фонетик минимум бир-бирига тулик ухшайди, деган хулосани чиқармаслик керак. Актив ва пассив минимумлар муаммоси хали ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, бу ерда актив ва пассив минимумларнинг узига хос хусусиятлари ҳақида айрим фикрларнигина айтиб утиш уринлидир. Актив фонетик минимум пассив минимумдан қуйидагича фарқ қилади: актив минимумда аппроксимацияга йул куйилади. Бу тафовут нима билан белгиланади? Актив фонетик минимум мазмунини асосан фонемалар ташкил қилиши керак; пассив фонетик минимумга, фонемалар билан бир қаторда, органилаётган тил фонемалари варианты ҳам киритиш керак. Актив фонетик минимумга органилаётган тил фонемаси вариантлари кирмаганлиги учун ўқувчилар нутқида она тили фонемалари варианты пайдо бўлади, буш позицияда вариант урнига фонема талаффуз қилинади.

Нутқни яхши тинглаш кобилиятига эга булган ўқувчилар, ўқитувчини тинглаб, бошқа ўқувчиларга нисбатан фонетика материални тулароқ узлаштиришлари мумкин.

Фонетика минимуми — актив ва пассив минимумлар — куйидаги компонентларга эга: товушлар, товуш бирикмалари, фонетик ходисалар ва интонация структуралари. Бу компонентлар ичида танлаш маълум принциплар асосида утказилади. Танлаш мезонини характерлашга утишдан олдин она тили хусусиятларининг фонетика минимуми составига таъсири ҳақидаги масалани ёритиш зарур. Баъзи бир методистлар фонетик минимумнинг хажми ва характери ўқувчиларнинг она тилисига боғлиқ эмас, чунки яқин ёки ухшаш товушнинг булиши бу товушни минимумдан чиқариб ташлаш учун етарли асос булмайди деб уйлайдилар. Манимча, бундай фикр нотўғри булмаса керак. Масала шундаки, талаффузга минимал талаблар ажратиб куйиш чет тили товушларига яқинлашиш деган гапдир. Минимум эса махсус ишлаб чиқилиши керак булган материалдир. Шунинг учун агар она тили товуши чет тилидаги тегишли товушга максимал равишда яқин булса, унда бу товушни махсус машқ қилдиришнинг, демак, уни минимумга киритишнинг ҳам зарурияти йўқдир.

Агар шулар танлаб олинса, бу фақат фонетик минимумнинг актив қисмигагина тааллуқлидир., деб эътироз билдириш мумкин. Аммо она тилига нисбатан жуда узоқ булган тил гуруҳларига кирувчи тилларни ургатиш фактлари бу эътирозларни ҳам рад этади. Масалан, турк--мугул тилларида сингармонизм, яъни сузда унли ва ундошларнинг бир меъёрда таксимланиш ходисаси кенг ёйилган. Шу сабабли инглиз тили учун мос булган ундошларнинг бир жойга тупланиши, ўқувчиларга ҳам талаффуз этиш жихатдан (ўқувчилар ундошлар уртасига редукциялашган унлиларни куюдилар) ҳам тушуниш жихатдан қийинчиликлар тугдиради. Демак, ундошларнинг бир жойга тупланиши каби ходиса чет тилида сузлашувчи ўқувчиларнинг фонетик минимумига киритилиши керак.

Айтилганлардан шу хулоса чиқадики, фонетик минимумни нотўғри танлаш манбалардан бири ўқувчиларнинг типик хатоларини анализ қилишдир. Фонетик минимумни танлаш

масаласини қуйидагича урганса бўлади: Алоқа қилиш эҳтиёжларига мослилик принципи яқдиллик билан биринчи принцип сифатида курсатилади. Бу принцип минимумга коммуникацига имкон берувчи ва урганилаётган инглиз тилининг идиоматиклигини белгиловчи товушларни киритишни шарт қилиб қуяди. Бунга энг аввал фонемалар киради. Интонация ходисалари ҳам алоқа эҳтиёжларига мувофиклик принципи нуктаи назаридан танланиши керак. Танлашга асос қилиб "товушнинг асосий оханги хар қандай баландлик куч ва темпорал узгаришлари йигиндисидан эмас, балки интонация билан ифодаланувчи маъноларнинг узаро фарқини англаш ахамиятига эга булганларининг йигиндисидан иборат булган" интонемни олиш мақсадга мувофикдир. Фонетик ходисаларни танлашнинг иккинчи принципи сифатида стилистик принцип курсатилади. Маълумки, талаффуз қилишда икки услуб: тулик (академик) ва тулик булмаган (сузлашув) услуб бор. Хар икки услуб умумхалк нормасига асосланади. Бироқ тулик булмаган услубда нормадан чиқишга йул қуйилади, тулик услубда талаффуз қилишда эса, нормага каттик итоат қилинади.

Шундай қилиб, фонетик минимум масаласи методика адабиётларда етарли ёритилмаган. Фонетик минимумни актив ва пассив қисмларга булиш мумкин, шу билан бирга, бу қисмлар нутқ фаолияти турининг бирига тааллуқли булиб, бир-бирига яқиндан алоқадордир ва уларни ўқувчиларга бир вақтда ургатиш керак (минимум--[лотинча minimum энг кам] урганилаётган тил макросистемасидан таълим мақсадларига кура танланадиган лисоний макросистема)

## 2-БОБ. "Фонетик бирликлар"

Инглиз тилида қуйидаги фонетик бирликларни урганиш мумкин: синтагма, аккомодация, акустика, аллофон, морфема, альвеоляр ундошлар, архифонема, артикуляция, аспирация, ассимиляция, фонологик транскрипция, кардинал унлилар, кокни, коммутация, дихотомия, фонема, монофтонг, дифтонг, трифонг, элизия, декламасия, эмфатик ургу, формантлар, интонация, фонетик чўзиқ, қисқа унлилар, оппозиция, бугинлар, шокинли ундошлар, портловчи ундошлар, сонантлар ва бошқа фонетик бирликлар. Юқоридаги фонетик бирликлар инглиз тили фонетикасида муҳим аҳамиятга эга. Булар эса талаффуз жараёнида содир бўладиган ходисалардир. Киши нутқини иккига булиш мумкин: оханги нуктаи назардан нутқ жумлаларга, жумлалар фонетик сузларга, сузлар бугинларга, бугинлар товушларга булинади. Фонетик - лингвистик нуктаи назардан нутқни гаплар (яъни маъно билдирувчи жумлаларга) га, гапларни маъно билдирувчи сузларга, сузларни морфемаларга, морфемаларни фонемаларга булиш мумкин. Энди эса фонетик бирликлардан айримларини куриб утамыз:

Синтагма [юнон. *syntagma* бирлашган, туташ] : сузларнинг `ёнма-ён келиши(мас. суз бирикмаси) ; синтагма ва парадигма.

Аппроксимация -- [лот. *approxim* яқинлашяпман] ; талаффузда аппроксимация (чет тили талаффузида тахминий яқинлашиш).

Артикуляция -- [лотинча *articulatto / articulare* аниқ талаффуз қилмоқ] товушларни айтишда нутқий органлар (аъзолар) иши.

Интонация -- [лотинча *intonare* баланд овоз билан айтмоқ] оханг (нутққа оид); баланд / паст интонация.

Омофон -- [юнонча *homos* бир хил + *phone* товуш] айтилишда ухшаш, маъноси турлича сузлар (масалан: *write-right, hour - our, weak - week*) омофон билан омограф омонимни ташкил этади.

Реплика - [фран. *replique*] - лунда фикр, (жуфт нутқ иштироқчилари куллайдиган гапиришга ундовчи ва жавоб жумлалари)

Репродукция - [лотинча *re* қайтадан, янгидан + *productio* яратиш, етиштириш - фикрни огзаки ёки ёзма баён этиш, ахборот бериш.

Транскрипция - [лотинча *transcriptio* кучириб ёзиш]-ёзувда товуш белгиси, фонетик ёзув, фонетик транскрипция.

Фонема - [юнонча *phonema* товуш] - маъно ифодаловчи товуш, суз / морфеманинг маъносини фарқлашга хизмат қиладиган нутқ товуши.

Фонетика - [юнонча *phonicos* товушга оид] - тилнинг товуш томони.

Аллафон - кенг маънода фонеманинг хар қандай вариантыни англатади, тор маънода фонема ядросининг нутқда аниқ намоён булишини курсатади.

Архифонема - икки фонемани назарий жихатдан куша оладиган, артикуляцион, фонологик нуктаи назардан аниқланган хусусиятлар йигиндиси.

Ассимиляция - ундошларнинг узаро мослашувини курсатувчи жараён.

Кардинал унлилар - унлиларнинг физиологик жихатдан четдаги (кескин) нукталари, тилнинг горизонтал ва вертикал харакатига биноан унлилар талаффузининг эталони.

Кокни - Шаркий Лондонда яшовчиларнинг талаффуз малакаларини курсатувчи оддий талаффуз.

Элизия - тарихий редукциянинг тури булиб, унли товуш бутунлай тушиб қолади.

Аралаш қатор унлиларни талаффуз этганда тилнинг барча қисми кутарилади, тилнинг урта қисми эса ёй шаклида бўлади.

Морфемадаги товушларни алмаштириш орқали суз ясаш ёки сузни узгартириш мумкин.

## **2-БОБ. 1-§ Талаффуз материалининг таснифи**

Энг кулай методик йул билан талаффуз куникмасини хосил қилиш учун фонетик материал услубий мос холда тавсифланади. Инглиз тили фонетикасида талаффузнинг икки хил таснифи ишлаб чиқарилган. Биринчиси, фонетик минимумга киритилган барча бирликларни осон/қийинга ажратиш орқали талаффузни урганишнинг оқилона усулларини топишга йуллайди. Бунда она тили талаффуз куникмасига асосланиб, инглиз тили талаффузи урганиш буйича илмий изланишлар натижалари келтирилади. Инглиз тили товушларининг рус мактаблари учун С. К.Фоломкинанинг адабиётларидан фойдаланилган. Ушбу адабиётда инглиз тилидаги товушлар артикуляцион ва акустик мураккабликлари жихатдан

- 1) она тилига яқин
- 2) она тилига ухшаш
- 3) она тилига ёт булган ходисалар сифатида тавсифланади.

Ушбу таснифда, артикуляцион ва акустик қийинчиликлардан ташқари, оппозицион ва позицион гурухлар ҳам амалий ишлаб чиқилган. Тасниф мазмунидан аёнки, унда товуш, товуш бирикмаси ва фонетик ходисалар камраб олинган. Интонация (оханг) таснифи алоҳида турни ташкил қилади. Хар бир чет тил талаффуз материали билан ушбу мавхумлаштирилган тасниф турларини амалий жихатдан аниқлаш талаб этилади. Инглиз тили фонетик системасидаги бирликлар ўқувчи она тилисини (тил тажрибасини) ҳисобга олган холда тасниф этилади. Муайян тилдаги талаффуз бирликларининг методик таснифи талаффуз куникмаларини шакллантириш юзасидан утказиладиган

тақдимот, машқ қилиш ва кулланиш босқичларида эътиборга олинади.

Энг кичик тушунчани ифодаловчи методик атама "талаффуз бирлиги"дир. У товуш, товуш бирикмаси, фонетик ходиса ва интонацияни уз ичига олади. "Фонетик ходиса" эса товушнинг суз/бугиндаги урни (мас. суз охиридаги жарангли ундош), товушлар оппозицияси (қисқа-чўзиқ унли) кабиларни ифодалайди. Энг йирик тушунчани билдирувчи атама "фонетик система"дир. Она тили, иккинчи тил ва чет тилларнинг фонетик системалари назарда тутилади. Фонетик система объектив мавжуд йигинди, тил системасининг бир қисмидир. Фонетик материал эса ушбу системадан киши билиши мумкин булган бирликлар мажмуидир, уни субъектив йигинди дейиш мумкин. Фонетик материалда асосий бирликлар ва уларнинг вариантлари булиб, иккинчилари фақат муаллимларга тегишли (чунки муаллимлар тақрибий талаффузни эмас, нотўғри талаффузни эгаллашлари керак).

Фонетик материалдан ўқувчиларга мулжалланган фонетик минимум танланади, бу ўқувчилар учун фонетик материал хисобланади. Фонетик минимумдан уз навбатида талаффузни ургатиш ажратиб олинади. Атамалар орасида қуйидагилар маъноли хисобланади: фонетик/материали, минимуми, фонетик/талаффуз бирлиги, нутқнинг талаффуз/фонетик жихати, фонетик /талаффуз машқи, артикуляция/айтиш, фонетик/талаффуз ходисалари, фонетик/талаффуз қийинчиликлари, товуш/фонема, тақрибий/аппроқсимациялашган талаффуз.

Фонетикани урганиш ва талаффузни урганиш суз бирикмаси фарқли маънода кулланилади. Биринчи фақат чет тил мутахасисларига, иккинчиси ўқувчиларга дахлдор. Дарсликдаги уқилиш қоидаси (харф-товуш муносабати) ни ургатишга қаратилган машқларни билиб-билмай фонетик машқ дейиш гайриметодик фикрdir. Талаффузга оид атамаларни умумийдан

хусусийга қараб иерархик усулда жойлаштирилганда, мана бундай тартиб ҳосил бўлади: фонетик система→ фонетик / талаффуз материали→фонетик/талаффуз минимуми→талаффузни ургатиш мазмуни→фонетик/талаффуз бирлиги. Талаффуз қоидалари доимо нисбий таърифланади, чунки артикуляцион (товуш ҳосил қилувчи) ҳолатларнинг куп таъриф-тавсифга тулик тушмайдиган ҳаракатлардир. Унинг устига талаффуз мавҳумотлари аксарият ҳолларда ута содда, бир-икки жумла билан ифодаланган қоида-курсатмалардан иборат. Бу эса чет тилдаги товушларни она тилидагидек айтиш имкониятини тиклай беради.

Талаффузга доир тушунчаларни узлаштириб, талаффуз кўникмаларини шакллантиришга киришган муаллим методик жихатдан саводли иш тутган бўлади.

## **2-БОБ. 2 - §. Талаффузни ўргатиш мазмуни.**

Тил материални таркибий қисмларидан бири бўлган талаффузга алоҳида этибор берилади. Чунки инглиз тилида фикр баён этиш учун айтиладиган жумла товушларини талаффуз этиш ва уларни бириктириш ҳамда тегишли оҳанги (интонация) ни билиш талаб этилади. Талаффуз эшитиш (акустик), айтиш ва маъно билдириш (семантик) каби уч қисмдан иборат. Уларнинг ҳар бир тилда ўзига хос ижро хусусияти мавжуд.

Тилнинг фонетик жихатини ўзлаштириш, яъни талаффуз кўникмасини эгаллаш нутқий мулоқотнинг муҳим шартларидандир. Мактаб шароитида инглиз тилида бенуксон талаффузга эришиш мумкинми? деган савол тугилади. Методистлар жавоби аниқ: ўқувчилар инглиз тилида тақрибий (аппроқсимациялашган) талаффузни ўрганишади (нотўғри талаффуз она тили ва иккинчи тилда ўрганилиши мумкин).

Аппроқсимация (лотинча, approxīm-яқинлашмок, чет тили талаффузида тахминий яқинлашиши) гоёсига биноан, бир

томондан, фонетик материални хажман чегаралашда ҳамда иккинчидан, айрим товушлар талаффузининг сифати тил товушининг маъно ўзгаришига сабаб бўлиши, яъни фонетик роль ўйнаши маълум, шундай ҳолда унинг талаффузида тахминий яқинлашиш (аппроксимация) га эришиш юқори даражада бўлиши тавсия этилади. Масалан: инглиз тилидаги унли товушнинг қисқа-чўзиқлиги, сўз охиридаги ундош товушнинг жарангли-жарангсизлашувида юксак тақрибийликка интилиш зарурдир, акс ҳолда мазмунига путур етади.

Талаффуздаги тақрибийлик, аввало, ўрта мактаб шароити, яъни инглиз тили ўрганишнинг сунъий муҳити билан белгиланса, талаффуз лексика ва грамматикага нисбатан мураккабдир. Инглиз тилида нисбатан раво ва етарли тезликдаги талаффузни эгаллаш асосий талабдир. Бунинг, биринчидан, суҳбатдошлар бир-бирини тушунишларини таъминласа, иккинчидан, нутқнинг ўртамиёна суръатини кўникма тарзида эгаллашни тақозо этади (маълумки, чет тилидаги нутқ суръати бир дақиқада 110-150 та сўзни айта олиш демакдир).

Инглиз тилида бир дақиқада 130-150 та сўз талаффуз этилишини илмий тажриба исботлаган. Ўқувчи нутқи тушунарли бўлиши учун нафақат маъно ифодаловчи товушлар (фонемалар) талаффузини ўрганиш, шунингдек, кенг истеъмолдаги содда ва қўшма гапларнинг асосий охангини (ургуси, вазни, тўхтама (паузаси) ни ҳам ўзлаштириб олиш керак. Демак, талаффуз кўникмаси артикуляция (айтиш) ва интонация (нутқий охангни қўллаш) дан ташкил топади.

Нутқ бирликлари фақат товуш тимсолларида мавжудлигини ва талаффузнинг лексика ва грамматика кўникмалари билан бирга қўшилиб кетганлигини назарда тутиб, нутқда уларни яхлит эгаллаш одат тусига кирган. «Талаффуз кўникмаси» деганда, нутқ бирлигининг тегишли товушлар орқали рўёбга чиқишини таъминловчи яхлит лисоний амал тушунилади.

Инглиз тили талаффузини қайси синфларда ёки таълим босқичларида ўргатиш масаласи турли тортишувларга сабаб булган. Алохида босқични ёки босқични ажратиш методика мантикига зид бўлур эди. Чунки талаффузни эгаллаш нутқ кўникма ва малакаларга тобедир. Муайян мактаб учун тузилган ўқув-методик воситаларнинг мазмуни талаффуз минимумининг таксимотини ўзига хос ҳолда рўёбга чиқаради. Бироқ барча мактаблар учун умумий қонуният сифатида қуйидаги тартиб қабул қилинади: товушларнинг аксарияти таълимнинг бошланғич даврида тақдим этилади, ўрта босқичда янги товуш бирикмалари, ургу ва интонацияни ўргатиш давом этади. Ўрта ёки юқори босқичда барча талаффуз ходисалари юзасидан кўникмани ривожлантириш, бинобарин, талаффуз кўникмасини шакллантириш бўйича чет тил ўқитишнинг ибтидосидан интихосигача иш олиб борилади. Тил материалдан лексика ва грамматикани ўзлаштиришда ҳам эшитиш талаффуз кўникмаси шакллантиради.

Инглиз тили фонетик (талаффуз) минимуми лексика ва грамматика минимумлари билан боғлиқ ҳолда танланади. Тил материали, одатда, актив ва пассив минимумлардан иборат. Фонетик (талаффуз) минимумларида актив ва пассив тушунчалари бир оз бошқача талкин қилинади. Актив ва пассив талаффуз минимумлари бир пайтнинг ўзида ўрганилади. Улар мураккаб нутқий малаканинг таркибига кириб, оғзаки нутқнинг гапириш (айтиш-талаффуз кўникмаси) ва идроқ этиб тушуниш (эшитиш кўникмаси) жиҳатлари наоён бўлади.

Актив ва пассив талаффуз минимумлари қуйидагича фарқланади: актив минимумда тақрибийликка йўл кўйилади, пассив минимумда эса бундай ҳолатга йўл кўйилмайди.

Талаффузнинг актив минимуми доирасида чегараланган фонетик материал юзасидан иш кўрилади, пассивда эса ўрганилаётган чет тил фонемалари ҳам учрайди. Инглиз тилининг талаффузини ўргатиш мазмунидан ўрин олган барча

бирликлар турли меъёрдаги қийинчиликлар билан ўзлаштиришни назарга олиб, уларнинг таснифи ишлаб чиқилди: артикуляцион, оппозицион, позицион, акустик.

Фонетик бирликларнинг тахлили шуни кўрсатадики, ҳар бир мактаб учун ўқувчиларнинг тил тажрибага мувофиқ алоҳида ТўМ (талаффузни ўргатиш мазмуни) шакллантирилади.

Маълумки, инглиз тилини ўргатишнинг биринчи йилида талаффуз материалининг аксарият бирликлари таксимланади.

Хатто айрим дарсликларда биринчи (ва иккинчи) чорақдагина янги фонетик материал таксимланган. Фонетикани ўрганишда ва талаффузни ўрганишда сўз бирикмаси фарқли маънода қўлланилади. Биринчиси фақат чет тил мутахассисларига, иккинчиси ўқувчиларга дахлдор.

**Дарсликдаги ўқилиш қондаси (харф-товуш муносабати) ни ўргатишга қаратилган машқларни билиб-билмай фонетик машқ дейиш гайриметодик фикрдир.**

Талаффуз кўникмасини такомиллаштиришда ёзув машқларининг ҳам хизмати бўлади: кўчиринг ва ўқинг, жарангли ва жарангсиз ундошлар билан тугайдиган сўзларни иккига ажратиб ёзинг ва бошқалар. Фонетик машқлардан кўриниб турибдики, талаффузни ўргатишга махсус йўналтирилган ва махсус бўлмаган турли хил машқларни бажариш орқали инглиз тилидаги талаффуз кўникмасини шакллантириш мумкин. Талаффузга ўргатиш ҳозирги вақтда тамомила нутқ фаолиятини ривожлантиришга қаратилганини ҳамма эътироф қилади, деб айтса бўлади.

## 2-БОБ. 3-§ Фонетика материали устида ишлаш

Инглиз тили дарсида фонетика муҳим аҳамиятга эга. Чунки фонетика, яъни нутқ ва унинг турлари орқали ўқувчилар тилни тилни кўпроқ ўрганадилар. Демак фонетикада кўпроқ машқлар бажариш керак ва шу машқлар орқали ўқувчиларнинг талаффузлари, ўқиш, тинглаб тушунишлари яхшиланади. Умуман олганда, мактабдаги инглиз тили дарсидаги «фонетика» сўзи ҳамма вақт муҳим аҳамиятга эга.

Мактабда ўқувчилар инглиз тили фонетикаси ҳақида қуйидаги маълумотларни билишлари керак:

Инглиз тилида 26 та харф булиб, шулардан олтитаси унли харф. Инглиз тилида 44 та товуш бўлиб, шулардан 20 таси унли товушни беради, 24 таси эса ундош товушни беради.

Унли харфлар – а, о, и, е, і, у

Унли товушлар монофтонг товушлардир, яъни битта товушни англатади.

- 1) і : – ( чўзиқ и )
- 2) і – ( и )
- 3) е – ( э )
- 4) æ – ( чўзиқ э )
- 5) α - ( чўзиқ а )
- 6) Ⓞ -- ( О )
- 7) Ⓞ: - ( чўзиқ о )
- 8) и – ( у )
- 9) и: – ( чўзиқ у )

10) ʌ – ( қисқа а )

11) э – ( э, ʏ )

12) э – ( чўзиқ э )

Дифтонглар ( яъни икки товушни беради ).

13) eɪ – (эй)

14) oʊ – (ау)

15) aʊ – (о)

16) aɪ – (ай)

17) oɪ - (ой)

18) iə – (ийе)

19) ɛə – (эя)

20) juə – (юйе)

Ундош товушлар:

р, b, m, w, f, v, ð, θ, t, d, n, r, s, z, k, g, h, j, l, ŋ, [ , t ], d z.

Инглиз тилида тўрт хил бугин турлари бор. Унли харфлар қандай бугин турида келганлигига қараб турлича ўқилади.

1 – тур бугин ёпик бугин бўлиб, унда унли харфлар қисқа монофтонг товушларни беради: (монофтонгни монограф деса ҳам бўлади.)

1 – тур ёпик бугиндир ва қуйидагича бўлади:

Унли харфлар	Ўқилиши	Мисоллар
А а	[ æ ]	bag, hat.
О о	[ ə ]	not, hot.

U u	[ʌ]	nut, bus.
E e	[e]	pen, red.
I i	[i]	Bill, mill.
Y y	[i]	gyms, system
Y y	Сўз бошида [j]	yes, yellow.

2 – тур бўгин шартли ёпик бўгин. 2 – тур бўгинда унли харфлар алфавитдагидек ўқилади, яъни улар чўзиқ монофтонг ва дифтонг товушларни беради.

Унли харфлар	Уқилиши	Мисоллар
A a	[ei]	name.
O o	[ou]	no, robe.
U u	[ju:]	pupil, nute.
E e	[i:]	he, she.
I i	[ai]	five, nine.
Y y	[ai]	why, try.

3 – тур бўгинда унли харфдан кейин « r » харфи келади. « R » дан кейин ундош харф келиши ҳам келмаслиги ҳам мумкин. Агар бўгин « r » харфи билан тугаса, фонетик жihatдан очик бўлади. Агар бўгинда « r » харфидан кейин ундош келса ёпик бўлади. Грамматик жihatдан эса ҳамма вақт ёпик бўлади. 3 – тур бўгинда « r » харфи ўқилмайди.

Лекин ўзидан олдин келган унлининг чўзиқ ўқилишига сабаб бўлади. Хозирги вақтда эса Америка инглизлари « r » харфини кўпинча кўшиб ўқийдилар. Масалан: far, near . . . .

Унли харфлар	Ўқилиши	Мисоллар
A a	[ɑ]	far, farm.
O o	[ɔ:]	for, sport.
U u	[ɜ:]	turn, burn.
E e	[ɛ:]	her, certainly.
I i	[ɛ:]	sir, girl.
Y y	[ɛ:]	byrd.

4 – тур бўгин бу очик бўгиндир. 4 – тур бўгинда унли харфдан кейин « r » харфи келади. « R » харфидан кейин унли харф келади. Агар бўгинда унли харфдан кейин ўқилмайдиган « e » харфи келса, « r » харфи ҳам « e » харфи ҳам ўқилмайди. Агар « r » харфидан кейин « e » харфидан бошқа унли келса, « r » харфи ҳам, ундан кейин келган унли ҳам ўқилади. Масалан: mary [ mɛəri ], here [ hiə ], hero [ hiərou ], zero [ ziərou ]

Унли харфлар	Ўқилиши	Мисоллар
A a	[ɛə]	fare, dare.
O o	[ɔ]	shore, more.
U u	[juə]	pure, cure.
E e	[iə]	here
I i	[aiə]	fire

Y y	[ aiə ]	tyre
-----	---------	------

Демак, инглизча сўз, очик бўгинда унли харф билан, ёпик бўгинда эса ундош харф билан тугайди.

Ушбу тўртта бўгин турларини умумий қилиб, қуйидагича ўрганса бўлади:

Харф-лар	1) Ёпик бўгинда	2) Очик бўгинда	3) Ёпик бўгинда ) унлидан кейин «r» харфи келганда	4) Очик бўгинда унлидан кейин «r» харфи келса
A a	[æ] fat	[ei] fate	[a:] far, farm	[ɛə] fare
O o	[ɔ] not	[ou] note	[ɔ:] or, north	[ɔ:] more
U u	[ʌ] cup	[ju:] cube	[ə:] fur, turn	[juə] cure
E e	[e] met	[i:] these	[ə:] per, verb	[iə] here
I i	[i] fit	[ai:] fane	[ə:] fir, first	[aiə] fire
Y y	[i] gyps, сўз бошида [j] yes	[ai:] type	[ə:] byrd	[aiə] tyre

## Дифтонглар (диграфлар)

Дифтонг	Товуш	Мисоллар
ee	[i:]	Tree, week, green, treet.
ea	[i:]	tea, sea, read, meat, east. <u>Bread [bred], head [hed],</u> <u>great [greit], break [breik]</u> қоидадан мустасно
oo	[u:]	moon, soon, spoon, noon. К харфи олдида book[buk], took[tuk], good, foot қоидадан мустасно
ai, ay	[ei]	Сўз ўртасида: rain, main. Сўз охирида may, day. Бироқ ai дан кейин «r» харфи келса air [εэ]
ey	[ei]	they, grey.
oa	[ou]	Boat, coat, goal.
au	[ə:]	autumn, cause, august, author. chair [tʃεэ], aunt [a:nt] қоидадан мустасно.
oi, oy	[əi]	Сўз ўртасида ва бошида: oil, toil, coil Сўз охирида: boy, toy.
ou	[au]	out, shout, ground, house group [gru:p], soup [su:p] қоидадан мустасно Бироқ «ou» дан кейин «r» харфи келса four [fə]

		cours [kɔ:s]. our [aʊə], hour [aʊə] қоидадан мустасно.
ie	[i:]	field, chief, piece.

Унлиларнинг «w» харфи билан бирикиб келиши:

Бирикмалар	Товуш	Мисоллар
aw	[ɔ:]	Law, saw, draw.
ew	[ju:]	new, few, аммо blew[blu:], threw [θru:]
ow	[au] [ou]	Сўз ўртасида town, brown. Сўз охирида show, snow. now [nau], how [hau] қоидадан мустасно.

Икки хил талаффуз этиладиган ундошлар

Харф-лар	Талаффузи	Қуйидаги Холларда	Мисоллар
С	[s]	е, i, у унлилари олдида :	face, city, pencil, cent.
	[k]	Бошқа харфлар олдида ва сўз охирида :	cap, cat, cup, come.

G	[dz]       [g]	е, і, у унлилари олдида : Бошқа харфлар олдида ва сўз охирида. Баъзи холларда е, і, у унли лари хам	page, general , large.  good, big, garden, gun,  green, give, girl, get.
S	[s]	Унли ва ундошлар олдида, жарангсиз ундошлардан кейин ёки сўз охирида унли лардан кейин :	so, same, skate, first,  sits, us, this, bus, takes, plus.
S	[z]	Икки унли ўртасида ёки жарангсиз ундош дан кейин	rose, these, beds, tables.
S	[iz]	-s, es қўшимчаси s, sh харф ва харф бирикмаларидан	houses, washes, peaches, oranges is, has, his, as

		кейин:	қоидадан мустасно.
--	--	--------	-----------------------

### Ундош харфлар бирикмаси

Харф бирикмалар	Товуш	Мисоллар
ck	[k]	Black, clock, cock, block.
ng	[ŋ]	Bring, ring, sing, song.
ch	[tʃ]	Chalk, chess, check, children.
th	[ð]	They, that, this, mother.
th	[θ]	Thank, think, thin, three.
ph	[f]	Telephone, telegraph, photo.

ТН харф бирикмаси кўмакчи сўзларда ва икки унли харф ўртасида [ð] бўлиб, бошқа ҳолатларда [θ] бўлиб талаффуз қилинади.

Баъзи сўзларда ўқилмайдиган ундошлар.

Икки бўгинли сўзларда		Уч бўгинли сўзларда
Сўз бошида	Сўз охирида	Сўз ўртасида
w ва k харфи ўқилмайди: (w)rite,	l харфи ўқилмайди: ha(l)f, cha(l)k,	t харфи ўқилмайди:

(w)hole, (k)nife.	ta(l)k.	of(t)en, lis(t)en.
h харфи ўқилмайди: w(h)en, r(h)yme, g(h)ost.	n ва b харфлари ўқилмайди: autum(n), bom(b), com(b).	

Феъллардаги –ed қўшимчасининг талаффуз этилиши.

Агар сўзнинг охири бўгини ургули бўлиб, унли қисқа бўлса ва биргина ундош билан тугаган бўлса, яна бир ундош орттирилади, масалан: plann – planned, stop – stopped, omit – omitted, rob – robbed,

travel – travelled, cancel – cancelled, permit – permitted.

Агар охири ургули бўгин «r» харфи билан тугаган бўлса, кўшимча кўшилганда, «r» харфи яна битта орттирилади: prefer – preferred.

Жарангсиз ундош дан кейин [t]	Жарангли ундош ёки унлидан кейин [ɑ]	t, d товуш- ларидан кейин [ɪd]
work	Explain	want
worked	Explained	wanted
dress	Open	need
dressed	Opened	needed
reach	Show	pilot
reached	Showed	piloted
stop	Plan	omit

stopped	Planned	omitted
hope	Answer	decide
hoped	Answered	decided

## Ургу.

Инглиз тилида уч хил ургу бор:

- 1) Сўздаги ургу.
  - 2) Жумла (гап) даги ургу.
  - 3) Логик (мантикий) ургу.
- 1) Сўздаги ургу: Агар сўз икки ёки ундан кўпроқ бўгиндан иборат бўлса, шу бўгинларнинг бирига ургу тушади:

***summer* [ˈsʌmə], *children* [ˈtʃɪldrən],**

***winter* [ˈwɪntə], *deputy* [deˈpjʊti].**

Баъзан кўп бўгинли сўзларда иккала бўгинга ҳам ургу тушиши мумкин. Бу ургуларнинг бири иккинчи даражали ургу, яъни кучсиз ургу хисобланиб, ургу кўрсатувчи белги бўгин тагига кўйилади, масалан: ***revolution* [ˌrevəˈluːʃn],**

***composition* [ˈkɒmpəˈzɪʃn],**

***examination* [ɪgˌzæmɪˈʃn].**

Баъзи сонларда ва қўшма сифатларда иккита кучли ургу келиши ҳам мумкин: ***thirteen* [ˈθɜːɪtiːn],**

***fourteen* [ˈfɔːtiːn],**

***hard – working* [ˈhɑːdˈwɜːkiŋ]**

2) Гапдаги ургу.

Инглиз тилида гапда от, сифат, сон, мустақил маънога эга бўлган феъл, равиш, кўрсатиш ва сўроқ олмошлари алохида ургу билан айтилиб, бошқа олмошлар ва кўмакчи сўзлар ургусиз айтилади:

***There is 'no' ink in it.***

***There were 'so many' people there.***

Баъзан ургу тушмайдиган сўзларга ҳам ургу тушиши мумкин:

а) Кўмакчи феъл сўроқ гапнинг бошида келганда:

***'Have you 'read 'this' text ? - Is he a 'pupil ?***

б) Кўмакчи феълига not юкламаси қисқартириб кўшилганда:

***I 'haven't 'finished it.***

в) Тусланувчи феъл тушиб қолганида:

***Of 'course, I 'shall. 'Yes, he 'is.***

3) Логик (мантикий) ургу.

Гап ичида бирор сўзнинг маъносига алохида ахамият берилиши исталса, у сўзга логик тушади.

Ўзбек тилида логик ургу тушган сўз доим кесим олдида келади. Инглиз тилида эса бундай сўз алохида оханг билан айтилади:

а) Ўзбек тилида: Мен уни бугун ↘ кучада кўрдим.

Мен уни кучада ↘ бугун кўрдим.

б) инглиз тилида:

***I have 'seen him in the ↘ street today.***

***I have ´seen him in the street √ today.***

Интонация (оханг).

Гапирганда овознинг пасайиши ёки кўтарилишига «интонация», яъни, оханг дейилади. Хар бир тилнинг ўзига хос оханги бўлади. Инглиз тилида асосан икки хил оханг бор:

- 1)           Биринчи оханг.
- 2)           Иккинчи оханг.

Биринчи охангда ургули бўгиндан кейин овоз пасаяди.

Иккинчи охангда эса ургули бўгиндан кейин овоз кўтарилади.

Овоз пасаядиган гапда биринчи ургули бўгин баланд овоз билан айтилади, ургусиз бўгинларга эса хеч қандай ургу берилмайди.

Одатда биринчи оханг пастга қараган стрелка билан, иккинчи оханг юқорига қараган стрелка билан кўрсатилади, масалан:

***- Good √ morning. – May I have this √ book?***

Биринчи оханг, биринчи интонация қуйидаги холатларда ишлатилади:

- 1)           Грамматик жихатдан тамом бўлмаган гапларда:

If I´go to London, I´ll go to the British Museum.

- 2)           Илтимосни англатадиган гапларда:

***´May I´take your book?***

- 3)           Умумий сўроқ гапларда:

***´Have you read this ↑ book?***

4) Тамом бўлмаган фикрни англатган гапларда:

*I 'wish he were ↗ here.*

*I 'don't 'think it is so ↗ far. It is not so ↗ bad.*

## Хулоса.

### «Фонетика» ни ўрганишдан мақсад ва унинг моҳияти.

Ўрта мактабда «инглиз тили» фанининг фонетика қисми жуда муҳим ҳисобланади. «Фонетика» сўзига қисқача таъриф: фонетика юнонча **phonetikos** сўзидан олинган бўлиб, товушга оид, тилнинг товуш томони деган маънони англатади (**phone** – юнонча, товуш).

Мактабда инглиз тили фонетикани яхши ўзлаштирган ўқувчи келажакда инглиз тили мутахассислиги бўйича жуда катта ютуқларга эга бўлади.

Мактабда инглиз тили фонетикасини ўрганишдан мақсадлар жуда кўп. Масалан:

1 – мақсад, бу инглиз тилида кийналмай гапира олиш, ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, талаффуз ўрганиш бўлса,

2 – мақсад, инглиз тилидаги нутқ фаолиятларини яхши ўзлаштириш,

3 – мақсад, инглиз тилини ўрганишда яна тўртта мақсадларда:

- 1) Амалий мақсад.
- 2) Таълимий мақсад.
- 3) Тарбиявий мақсад.
- 4) Ривожлантирувчи мақсадларда ўқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтиришдир ва бу мақсадларнинг натижаси, албатта, яхши бўлади.

Мактабда инглиз тили фонетикасини ўрганишда ўқувчилар айрим сўзларни кийналиб ўқийдилар, айрим саволларга кийналиб жавоб берадилар, айрим сўзларни нотўғри талаффуз қиладилар. Бу борада анча муаммо бор.

**Бу муаммоларнинг сабаби нима?** деганда, менимча, куйидагича жавоб берса бўлади, яъни ўқувчилар инглиз тилидаги хар бир сўзга эътиборли бўлсалар, инглизча сўзларни кўпроқ талаффуз қилсалар, кейинчалик инглиз тилига бўлган қизиқишлари ортади ва кийинчиликларни осонгина бартараф эта оладилар.

Инглиз тили фонетикасида айрим сўзлар бир хил айтилса ҳам, (ёзилса ҳам) лекин маъноси хар хил бўлади ва ўқувчилар айтилган сўзни нотўғри тушунадилар, масалан: **spring** – бахор, **spring** – сакрамок, эгилувчан. Демак, ўқувчиларнинг луғат бойлиги ҳам яхши бўлиши керак .

Шуни ҳам айтиш керакки, ўқувчилар инглиз тили фонетикасидаги хар бир нутқ фаолиятини, интонация, ургу ва фонетика қисмидаги кўпгина бошқа материалларни пухта ўзлаштириш натижасида юқоридаги қийинчиликларни ўз вақтида хал этади оладилар.

Хозирги вақтда кўпгина талабалар чет элда таълим олиб кайтмоқдалар ва Ватанимизнинг янада ривожланишига ўз хиссаларини кўшмоқдалар. Энг асосий, чет (инглиз) тилини билиш, чет эл хаёти, чет эл одамлари, ёшлари ҳақида тушунчага эга бўлиш, улар билан алоқада бўлиш ва шу орқали халқаро муносабатларни ривожлантириш.

Умуман олганда, инглиз тилининг мохияти, мазмуни: ўқувчиларнинг инглиз тилида гапириш, келажакда ўз мутахасислиги бўйича ўз юртининг гуллаб яшнаши учун ўз хиссасини кўшиш, бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистонни дунёга танитиш.

Инглиз тилининг фонетикасини яхши ўзлаштирган ўқувчи, албатта, шу фаннинг грамматика, лексика ва бошқа бўлимларини ҳам ўрганишлари мухим. Чунки фонетика бўлими қолган бошқа бўлимлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг хаммаси эса тил ўрганишда мухим ахамият касб этади.

Хозирги кунда англиз тили фанига бўлган эътибор жуда катта. Англиз тили дунё миқёсида мулоқот воситасига айланиб бормоқда ва шунинг учун ҳам ватанимизда англиз тилини ўрганишга алохида эътибор берилаётгани бежиз эмас, чунки умумбашарий жараён бизнинг худудимизга ҳам ёйила бошлади.

Тил орқали умуминсоний кадриятлар, жумладан, фан ва техника ютуклари ўзлаштирилади, шу орқали баркамол инсон шаклланади.

Чиндан ҳам қайта янгиланиб, узлигини таниб бораётган давлатимизнинг келажакдаги тараккиёти, унинг кушни ва узоқ мамлакатлар билан турли хил ҳамкорлиги ва узаро муносабатига боғлиқдир. Бунака ҳамкорликни юзага келтириш учун келажакда таржимон буламан деган ўқувчиларни, мактаб давридан бошлаб ўқувчиларнинг билимини, мустақил фикрлай олишни ва албатта, асосийси, уларни англиз тилига булган қизиқишларини, уларнинг англизча нутқ, англизча талаффузларини яхшилаш керак.

Лекин хозирги кунда ҳам айрим мактабларда англиз тили "фонетика"сида қийинчиликлар бор ва бу қийинчиликларни енгиш учун ўқитувчи, биринчи уринда ўқувчи тафаккурини бахоли қудрат ривожлантиришга ва хотирасини яхшилашга ҳамда уларнинг билим савиясини ва умумий маданиятини кутаришда ижобий ёндашиш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар.

- 1) И. А. Каримов "Узбекистон буюк келажак сари"  
Тошкент, "Узбекистон", 1998 йил
- 2) И.А. Каримов "Узбекистон XXI аср бусагасида"  
Тошкент, "Узбекистон", 2000 йил.
- 3) Жамол Жалолов. «Чет тил ўқитиш методикаси» Тошкент.  
«Ўқитувчи» нашриёти, 1996 й.
- 4) Хошимов Ў. Х., Ёкубов И. Я. «Инглиз тили ўқитиш методикаси» Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1993 й.
- 5) Рогова Г. В. ва бошқалар. «Методика обучения иностранным языкам средней школе.» Москва. изд-во «Просвещение», 1991 г.
- 6) Зимняя И. А. «Психология обучения иностранным языкам в школе» Москва. изд-во «Просвещение», 1991 г.
- 7) Рогова Г. В. , Верещагина И. Н. «Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе» Москва. изд-во «Просвещение» 1988 й.
- 8) Зарипова Р. А. «Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма» Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1986 й.
- 9) Аракин В. Д. «Методика работы над практическим курсом английского языка» Москва. изд-во «Высшая школа.», 1984 г.
- 10) Миролюбова. А. А. «Теорические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе» Москва. изд-во «Педагогика», 1981 й.
- 11) Соатов С. Алиев Г. «Ўрта мактабда чет тил ўқитиш курси» Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1978 й.

12) Жамол Жалолов. «Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси» Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1977 й.

13) Rogova Y. V. «Methods of teaching English» Ленинград. изд-во «Просвещение», 1975 г.

14) Миролубов А. А., И. В. Рахманов, В. С. Цетлин. «Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси» Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1974 й.

15) Аълоев Й. Алиев Г. «Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси» Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти, 1974 й.

16) Торсуев Г.П. "Фонетика английского языка" Изд. лит-ры на иностранных языках, Москва, 1950 г.

17) Зиндер Л.Р. "Общая фонетика" ЛГУ, 1960г.

18) М. Н. Матусевич "Введение в общую фонетику Москва, 1959г.

19) В. Д. Аракин "Исследования по английской интонации" Москва, 1964 г.

Rahmatilini quyidagi manzilga yuborishingiz mumkin:

Muallif e-maili:

[zjurayev@inbox.ru](mailto:zjurayev@inbox.ru), [zjurayev@yandex.ru](mailto:zjurayev@yandex.ru), [zjurayev@gmail.com](mailto:zjurayev@gmail.com)